



**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ\***  
к договору (контракту) от 16.05.2022 г. № 34

(2022-317-10-148-МТ-son)

между "СНАУКА-ПРОЕКТ" и Ангрен шаҳар МТБ на общую сумму 17000000,00

Глава 251  
Казначейский лицевой счёт 100022860274077091100251048

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4239000			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май	17 000 000,00			17 000 000,00
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Всего за год</b>	<b>17 000 000,00</b>			<b>17 000 000,00</b>

Всего 17000000,00 сум

Семнадцать миллионов сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 5100000,00 сум или 30.00%\*\*\* от общей суммы договора подлежат предоплате в май мес. 2022 г.

(\*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(\*\*) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(\*\*\*) — Месячный \_\_\_\_\_% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до \_\_\_\_\_ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика

М.П.

(подпись)

Нуриддинов С.Р.

Ф И О

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

Набиева Д. А.

Ф И О

Принял работник казначейского подразделения

(подпись)

Получил работник заказчика

(подпись)

«  »    20   г.

«  »    20   г.

# ЛОЙИҲА –СМЕТА ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 34

2022-317-10-148-МТ-сон

Ангрен шаҳри

2022 йил “16” 05

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Ангрен шаҳар МТБ номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Нуриддинов С.Р. бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Чайка проект» МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Турдиев Н.Ф иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 686-692 моддалари, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни, Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (КМК 1.03.01) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ВМнинг соҳага оид қарорларига асосан лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани туздилар.

## 1. Шартнома мавзуси

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан **Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги 38,8 МТМ ларни жорий таъмирлаш.** объекти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Ҳазначилик бўлими томонидан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## 2. Шартнома бўйича ишлар қиймати

2.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига, олган ҳолда 2022 й. «11» май кунги танлов ҳайъати йиғилишининг 79276-сонли баёнига асосан жорий нархларда **17000000 (Ун етти миллион)** сўмни, шу жумладан қўшимча қиймат солиғи билан

2.2. Ишларни бажариш ишлар бошланган кундан эътиборан “3” кунни ташиқл этади ва бажарилган ишлар 2022 йил “19” майда буюртмачига тўлиқ топширилади.

2.3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қўйидаги холлар бундан мустасно: - енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда қурилиш қийматини кўпайтириши;

- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## 3. Пудратчининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди ва барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан тасдиқланган ҚМҚ, ШНК ва бошқа меъерий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқади ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб бажаради ҳамда ишни Буюртмачига ушбу шартнома шартларига мувофиқ топширади;

3.2. Буюртмачининг руҳсатсиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бериш таъқиқланади.

## 4. Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариши учун тегишли ҳужжатларни далолатнома бўйича Пудратчига бериши;

-ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиши, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаши;

### **5. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.**

5.1. Буюртмачи Пудратчига маблаг ажратилганидан сўнг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 % миқдорида авансни ўтказади.

5.2. Жорий молиялаштириши бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун объект умумий шартномавий қийматининг 70 фоизи доирасида амалга оширилади.

### **6. Ишларни бажариши**

6.1. Пудратчи лойиҳа-СНИП ишларига лойиҳа бош муҳандисни тайинлайди. Бош муҳандис лойиҳа-смета ҳужжатлари ҚМҚ, ШНК ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилишини назорат қилади, бажариладиган ишлар босқичларини келишади ва бажарилаётган ишлар ҳақида Буюртмачига ахборот тақдим қилиб боради. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган муддатда, қурилиш ишларини бажариши давомида муаммоли ҳолатлар вужудга келмайдиган ҳолатда асосли ҳамда сифатли қилиб бажаради.

### **7. Ишларни топшириши ва қабул қилиши**

7.1. Лойиҳа-смета ҳужжатларида шартномадан четга чиқишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликларни аниқлагандан кейин 10 кун муддатда Пудратчини ёзма равишда огоҳлантиради ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилади. Пудратчи ўз навбатида мазкур камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қилади.

### **8. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

8.1. Агар удибу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

### **9. Кафолатлар**

9.1. Пудратчи:-барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини, қурилиш-таъмирлаш ишлари давомида лойиҳа-смета ҳужжатлари билан бажарилётган ишлар ўртасида муаммоли ҳолатлар бўлмаслигини кафолатлайди;

### **10. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

10.1. Буюртмачи Пудратчига барча ишлар бажарилиб бўлгандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини ёки ишларининг айрим босқичлари тугаллангандан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлайди. Пудратчи тайёрланган лойиҳа-смета

хужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан қўшимча жавобгар сифатида қатнашишига мажбур.

10.2. Пудратчи лойиҳа-смета хужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш эсараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета хужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш эсараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета хужжатлари ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда Пудратчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва шунга мувофиқ зарур қўшимча ишларни бажариши шарт. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

10.3. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, тегишли дастур бўйича лойиҳа ишларига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

10.4. Пудратчи ишларни ўз вақтида бажариши бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий эсорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариши давомида объектда лойиҳа-смета хужжатлари билан боғлиқ муаммоли ҳолат вужудга келган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида мулкий жавобгар ҳисобланади ва ушбу ҳолат билан боғлиқ зарар тўлиғича Пудратчидан ундириб олинади.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчинини ишларни бажаришининг ёки хизматлар кўрсатишининг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

10.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаси, у ҳолда Буюртмачи «Давлат экологик экспертизаси»нинг хулосаси асосида ишларни қабул қилиши ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорига эсарима ундириши ҳуқуқига эга.

10.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган эсозолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

10.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

10.8. Компания бюджетдан маблағ олувчи ташкилот ҳисобланганлиги сабабли, объектга бюджетдан маблағ ажратилиши кечикканлиги учун ёки вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилмаганлиги сабабли Буюртмачи тўловларни амалга ошира олмаганлиги учун, пудратчи олдида мулкӣ эваббгар бўлмайди ва пенялар ҳам ҳисобланмайди.

10.9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, Буюртмачининг мажбуриятлари қуйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариши тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

## **11. Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар**

11.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришида томонлар:

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларни амалга оширмаслик;

- шу жумладан, пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкӣ имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян ҳаракатларни бажармаслиги шарт;

- томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;

- агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган ҳатти-ҳаракатлари, шу жумладан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги ҳақида алоқа каналларига мурожаат қилиши мумкин.

## **12. Низоларни ҳал қилиш**

12.1. Шартномани бажаришида ва бекор қилишида шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Фарғона туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## **13. Шартномани бекор қилиш**

13.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сонли қарорининг 3-бандига асосан 2020 йил 1 июлга қадар архитектура-шарҳозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда Пудрат ташкилотига берилган лицензия ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб қайта расмийлаштирилмаганлиги аниқланган ҳолда (Пудратчининг лицензиясиз фаолият кўрсатганлиги маълум бўлиши).

13.2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги "Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" давлат унитар корхонасининг Техник топшириқнинг иш ҳажмлари ва уларнинг нарх параметрлари қисмида ўтказилган комплекс экспертиза натижалари бўйича Пудрат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган архитектура-шаҳарҳозлик ҳужжатларига ижобий ҳулоса берилмаган тақдирда.

13.3. Пудратчи пудрат шартномасини бажаришига ўз вақтида киришмаса ёки ишни суёт бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиши мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, Буюртмачи иш натижаси ўзига белгиланган тартибда тўлиқ

ва сифатли шаклда топширилгунига қадар истаган вақтида шартномадан воз кечиши мумкин.

13.4.Шартномани бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга ёзма равишда билдиришюма юборади.

13.5.Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

14.1.Мазкур шартнома Ангрен шаҳар Ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ҳамда 2022 йил 31 декабрғача амалда бўлади. Шартнома 3 (уч) нусхада тузилди. Учала нусха айнан бир хил ва тенг юридик кучга эга.

### 15.Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

#### “Буюртмачи”

##### Ангрен шаҳар МТБ

Манзил: Ангрен ш. Ёшлик 21 уй

Тел./факс: 662-72-97

шех: 100022860274077091100251048

СТИР: 207 267 274

ОКЭД-85100

Ангрен шаҳар Ғазначилик бўлинмаси

ЯҒХ: 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Мафказий банкнинг Тошкент шаҳар  
Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази  
(ХККМ)

МФО: 00014 Ғазначилик бўлинмасининг

СТИР: 201 122 919

Раҳбар:  Нуриддинов С.Р.



#### «ИСПОЛНИТЕЛЬ»

ООО «ЧАЙКА ПРОЕКТ»

р/с:20208000204697322001

Адрес:г. Ангрен. Кв-л 8,кафе « Гузаль»

Банк: «ХАМКОРБАНК» АТБ ф-л г.Ангрен

МФО :01149 ИНН: -300787982

ОКЭТ:-43390

ТЕЛ: 66 5 01 85: 94-409-10-63.



Директор:  Турдиев П.Ф.

## YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJAT LOYIHASINING QONUNCHILIKKA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

**1. Loyiha turi:** Shartnoma

**2. Loyiyaning nomi**

Angren shahar maktabgacha ta'lim bo'limi va «Chayka proekt» MChJ o'rtasida tuzilgan pudrat shartnomasi to'g'risida. Shartnoma summasi 17 000 000 (O'n yetti million) so'mni tashkil qiladi.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot**

Angren shahar maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 2022-yil 11-may kuni ishlab chiqilgan va yuridik markazga taqdim qilingan.

**4. Loyiha bo'yicha yuridik markaz xulosasi**

Loyiha O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 632-655-moddalari, "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasining 1998-yil 29-avgustdagi 670-I-son qonuniga muvofiq tayyorlangan.

Mazkur shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilik talablariga rioya qilingan holda ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Markaz bosh yuriskonsulti:**



**Sh. Niyazova**

*2022-yil 11-may*